Ушбу сонда:
2 УЛУҒВОР ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА
3 ОЛИЖАНОБ ФАЗИЛАТЛАР қалбимизни тарк этмасин
4 ШАНБА –ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 31 январ, шанба № 17 (1650)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЯНГИ БОЗОР ИШГА ТУШДИ

Фарғона, Марғилон, Қўқон ва Андижон шаҳарларини бир-бирлари билан боғловчи катта автомобил йўли ёқасида вилоят марказий буюм бозори ишга тушди.

Умумий майдони 8,5 гектарни ташкил қилувчи ушбу бозорда сотувчи ва харидорлар учун барча шароитлар яратиб берилган. Бу ерда 30 та савдо растаси, 1200 та ўрин жойлари, 44 та турғун савдо тармоғи, юк сақлаш омбори, умумий овқатланиш шохобчалари мавжуд. Шунингдек, худудда Халқ банкининг шаҳар бўлими, валюта айирбошлаш шохобчаси, медицина хизмати фаолият кўрсатади.

Гап шундаки, шу пайтгача Фарғона шаҳрида буюм бозори йўқ эди. Хукуматимизнинг бозорлар фаолиятини тартибга солиш, сотувчи ва харидорларга қулайликлар яратиб бериш юзасидан кўзланган тадбирларни самараси ўлароқ қисқа вақтда кўркам иншоот қуриб битказилди. Миллий ва замонавий меъморчилик андозалари асосида қад ростлаган бозор қурилиши учун 320 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бунёдкорлик ишларини Қувасойдаги 8-кўчма механизациялашган калонна қурувчилари амалга оширишди.

Расулжон КАМОЛОВ,
«Ишонч» мухбири

МАВЖУД САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ - ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг 29 январ куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Хурматли депутатлар!

Авваламбор, бугун барчангизни бардам-бакувват кўриб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, сизларга ўзимнинг самимий хурмат ва истакларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Бугун сиз, халқ вакиллари билан, Тошкент вилоятининг раҳбарлари ва жамоатчилиги билан учрашувимизнинг асосий мақсади - нафақат кун тартибидаги ташкилий масалани кўриб чиқиш, балки вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволига танқидий баҳо бериш, шу заминда яшайдиган одамларни ўйлантираётган, ташвиш ва эътироз уйғотаётган муаммолар ҳақида холисона гаплашиб олиш, уларни бартараф этиш йўлларини излашдан иборат.

Ўйлайманки, шу масалалар, авваламбор, олдимизда турган долзарб вазифалар бўйича фикр алмашиб олсак ва ана шу муаммоларни ечишда ҳар бир раҳбар, ҳар қайси инсон ўз жойида ўз ҳиссасини қўшса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Муҳтарам дўстлар!

Юртимизнинг бугунги харитасини улкан қурилиш, ободончилик ва бунёдкорлик майдони, деб ўзимизга тасаввур қилсак, Тошкент вилоятида бўлаётган ўзгаришларни шу ишларнинг узвий бир қисми, деб қиёсласак, ҳеч қандай хато бўлмайди, деб ўйлайман.

Албатта, бугун қайси соҳани олмайлик, бу ишлаб чиқариш бўладими, қурилиш ва ободончилик бўладими, саноат, қишлоқ хўжалиги ёки ижтимоий соҳа бўладими - буларнинг барчасида биз кўпмиллатли вилоят аҳлининг ўзини аямай меҳнат қилаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Иқтисодиётда, ҳаётимизнинг ижтимоий, маданий ва маънавий соҳа ва тармоқларида ислоҳотларни жорий қилиш йўлида амалий қадамлар қўйилаётганини кўришимиз мумкин.

Иқтисодиётимизнинг етакчи бир қисми бўлмиш қишлоқ хўжалигида, одамларда ерга, мулкка эгалик ҳиссиётининг мустаҳкамланиб, фермер-деҳқон хўжаликлари ҳаракати кенгайиб бораётгани кўзга ташланмоқда.

Бутун эл-юртимиз қатори бугунги кунда вилоят аҳлининг тафаккурида ҳам ҳаётимизга янгича қараш тушунчалари, жамиятимиздаги муносабатларни янгилаш ҳаракатлари тобора кучайиб бормоқда.

Халқимизнинг онгида, ҳаётимизда бўлаётган бундай ижобий ўзгаришларни, авваламбор, 2004 йилнинг мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилингани ва буни аҳолимизнинг ижобий кутиб олиши мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Бугун вилоятнинг қайси шаҳар ва туманига борманг, барча жойларда меҳр ва мурувват деган тушунча янги маъно-мазмун билан бойиб, халқимизнинг табиати ва дунёқарашида ана шундай фазилат ва интилишлар янада кучайиб, кенг ёйилиб бораётганини кўриб, одам беихтиёр хурсанд бўлади, ўзи ҳам шундай савобли ишларга ҳисса қўшишга ҳаракат қилади.

Азиз дўстлар!

Тошкент вилоятининг Ўзбекистонимиздаги ўрни ва мавқеи, ривожланган ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва коммуникация тизими ҳақида, унинг улкан табиий заҳиралари ва аввало инсон ресурслари ҳақида сизларнинг олдингизда ортиқча гапириб ўтиришга зарурат йўқ, деб ўйлайман.

Оллоҳ назар солган бу замин бағрида ноёб бойликлар кўп. Бу ерда ҳар қандай давлат иқтисодиётининг негизини белгилаб берувчи тоғ-кон металлургияси, ёқилғи-энергетика, кимё ва қайта ишлаш саноати ҳар томонлама ривож топган. Вилоятнинг ери унумдор, суғориш тармоқлари яхши йўлга қўйилган, сув ресурслари ҳам етарли.

Ҳақиқатда ҳам, қайси соҳани олманг, энг кучли корхоналар, энг кучли қурилиш ташкилотларининг кўпи Тошкент вилоятида жойлашган.

Бугунги кунда республикада ишлаб чиқариладиган жами саноат маҳсулотининг 10 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг эса 12 фоизи Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келиши ҳам воҳанинг салоҳияти мамлакатимизда нақадар катта эканини кўрсатиб турибди.

Билимдон, етук кадрлар мавжудлиги ҳақида гапирганда ҳам, азалдан бу вилоят катта салоҳиятга эга эканини барчамиз яхши биламиз.

Ўзбекистоннинг деҳқончилик тарихида Тошкент вилояти нафақат пахтачилик, балки қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳам ўзининг юксак маданияти, тажрибаси, ибратли ишлари билан машҳур бўлиб келган, десам, бу ҳеч ким учун янгилик эмас, деб ўйлайман.

Лўнда қилиб айтганда, Тошкент вилоятининг салоҳияти ва ўзига хос имкониятлари ҳақида гапирар эканмиз, ҳақиқатан ҳам, бу масканнинг мамлакатимиз тараққиёти, унинг бугунги ҳаёти ва эртанги ёруғ келажагини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти беқиёс эканига сўзсиз ишонч ҳосил қиламиз.

Ва Тошкент воҳасининг обрў-эътиборини, керак бўлса, донғини юксалтиришда ўзининг ҳиссасини қўшган, шу заминни улуғлаш йўлида хизмати сингган фидойиларнинг ҳақиқатан табаррук номларини катта ҳурмат ва эҳтиром билан эслаймиз, тилга оламиз.

Лекин, шу билан бирга, бу борада олдимизда аччиқ бир савол пайдо бўлиши табиий, деб ўйлайман. Нима бўлдики, охирги йиллар давомида барчамиз учун ибрат-намуна бўлган ишларни фақатгина эслаш қолди? Нима учун бундай ижобий намуналарни давом эттириш у ёқда турсин, вилоят эришган марраларини ҳам тобора бой бермоқда?

Очиқ айтиш керак - кейинги йилларда Тошкент вилояти қатор соҳа ва йўналишлар бўйича оқсоқликка юз тутмоқда. Вилоят ҳаётида бу хулосани тасдиқлайдиган кўп-кўп мисолларни топиш ва тасдиқлаш қийин эмас.

(Давоми 2-бетда)

Ислоҳот инсон учун

КЎПЛАШИБ КЎТАРГАН ЮК ЕНГИЛ

Оққўрғон туманида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ишига муҳим масала сифатида қаралмоқда. Тумандаги 9867 нафар нафақахўрнинг барчаси эътибор марказида. Фуқаролардан тушган ҳар бир ариза ижобий ечимини топмагунча қатъий назоратда бўлади. Масалан, жорий йилнинг 1 январ ҳолатига янгидан пенсия ва нафақалар тайинлашни сўраб 592 та, ижтимоий нафақалар белгиланиши тўғрисида 95 та, бир йўла тўланадиган суюнчи пули хусусида 253 та ариза тушган бўлса, уларнинг барчаси ижобий ечимини топди. Юқоридагиларга туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими раҳбари Баҳодир Исроилов қуйидагиларни қўшимча қилди:

- Хўжалик ва корхоналарда 6 та маслаҳатхонамиз ишлаб турибди. Ходимларимиз тегишли қонун ва қарорларни аҳоли ўртасида атрофлича тушунтириш билан бирга, вақти-вақти билан фуқароларни қабул қиладилар, у ёки бу масалани ижобий ҳал этишда уларга кўмаклашадилар. Бўлимимиз тўла компьютерлашган. Пенсия тайинлаш ишлари лотин алифбосида амалга оширилмоқда. Бунинг учун ходимларимиз махсус курсларда ўқитилди. Шу йилнинг 1 январигача пенсияларни қайта ҳисоблашга тақдим этилган иш ҳақи ва меҳнат стажига оид ҳужжатларни юз фоиз таҳлил қилишга эришдик. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ўтган йил 1 апрелдан бошлаб коммунал хизматлар (электр энергия, газ, сув) учун компенсация пулларини жорий этиш тўғрисидаги Фармони бўйича ишлар тўла тугалланди. Ҳозирги кунгача 2032 нафар пенсионерга 3,5 миллион сўмдан ортиқроқ компенсация пуллари тўлаб бўлинди.

Абдунаби МАННОПОВ

ЎЗБЕКИСТОН-ИСПАНИЯ: ТАРИХИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2003 йилнинг 27-29 январ кунлари давлат ташрифи билан Испания Қироллигида бўлган эди. Ушбу ташриф якунлари мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар очди. Қуйида Ўзбекистон Республикасининг Мадриддаги Фахрий бош консули Сантьяго Руиз-Моралеснинг мақоласи эътиборингизга ҳавола этилмоқда. Ушбу материални тайёрлаш жараёнида кўрсатган ёрдами учун Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонасига миннатдорлик билдирамиз.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг унинг Испания Қироллиги билан икки томонлама муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. 90-йилларнинг бошларидаги туб геосиёсий ўзгаришлар ва мустақил Ўзбекистоннинг ташкил топиши Тошкент ва Мадрид ўртасида мамлакатларимизнинг минтақавий хавфсизлик муаммолари ва янгича муносабатларни янада ривожлантириш бўйича ёндашувлари мослигига ҳамда ўзаро ишонч, бирдамлик ва ҳамкорликка асосланган сиёсий мулоқотни ривожлантириш учун йўл очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Испания Қироли Хуан Карлос Биринчининг таклифига биноан Испанияга давлат ташрифи буюрганига бир йил тўлди. Ўзбекистон раҳбарининг Мадрид учрашувлари чоғида Клавихонинг қадим Самарқандда фаолият юритган элчихонаси кўп бор тилга олинди, бундай яқин ва ўзига хос дўстликни бой бермаслик, аксинча, алоқаларни янада мустаҳкамлаш лозимлигига эътибор қаратилди.

Ташриф давомида Испания Қироли ва Бош вазири билан самарали музокаралар ўтказилди. Шунингдек, Ислом Каримов Конгресс, Сенат, Мадрид мэрияси, Тадбиркорлар ва саноатчилар конфедерациясида ҳам учрашувлар ўтказди, Номаълум аскар ёдгорлигини зиёрат қилди.

Испания Қиролининг Президент Ислом Каримов билан ўтказган уч учрашуви олий мартабали меҳмонга алоҳида ҳурмат белгиси бўлди. Ушбу учрашувларнинг барчаси протокол томонидан белгиланган вақтдан кўп давом этди. Дастурда кўзда тутилмаган учинчи учрашув эса Қирол ташаббуси билан ўтказилди. Қирол, одатда, камдан-кам ҳоллардагина ўз меҳмонини режалаштирилмаган қўшимча учрашувга таклиф этади. Бу ҳам Испания давлат раҳбарининг Ўзбекистон Президентига алоҳида эҳтиромидан далолатдир.

Мазкур ташриф биринчи навбатда, Ўзбекистон раҳбарига, ўзбек халқининг бой маданий ва маънавий меросига юксак ҳурмат-эҳтиром белгиси, Ислом Каримовнинг юртида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар, янгиланиш ва ислоҳотларнинг эътирофи бўлди. Бу мамлакатларимизнинг ҳамкорлик муносабатларини янада жадал ривожлантириш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданият ва таълим соҳаларидаги алоқаларни мустаҳкамлашга интилишининг яна бир ҳайли аломати, яна бир исботидир.

Икки мамлакат раҳбарлари хавфсизлик ва барқарорлик муаммоларини муҳокама этиш чоғида халқаро террорчилик, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши, уюшган жиноятчилик каби трансмиллий таҳдидларга қарши курашда жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш, шунингдек, экологияга оид муаммоларни бартараф этиш борасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Учрашувларда икки мамлакат томонидан Европа ва Марказий Осиё минтақаларида халқаро террорчилик ва диний экстремизм хуружларига қарши кураш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ўзаро қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистонда, дунё тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, миллий парламентнинг икки палатали тизимга ўтиши парламентаризм институтини ривожлантиришнинг муҳим босқичи бўлди.

(Давоми 4-бетда)

«Ишонч»да босилгандан сўнг

«КИРАКАШЛАР

ёхуд кассага эмас, киссага тушаётган маблағлар»

Газетанинг 2004 йил 20 январ сонида чоп этилган юқоридаги сарлавҳали мақола Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси ва бошқа мутасаддилар ўртасида атрофлича муҳокама қилинди.

Белгиланган тадбирларга кўра вилоят ҳудудида мулкчилик шакли, автотранспорт туридан қатъий назар йўловчи ташувчи транспорт воситаларининг фаолиятини тартибга солиш, белгиланган тартибда маҳаллий ҳокимият ва солиқ органларидан рўйхатдан ўтмасдан, лицензия олмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш, шунингдек, транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини қатъий таъминлаш мақсадида мунтазам равишда ҳамкорликдаги рейдлар ташкил этилмоқда.

Умуман олганда изчиллик, муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга қатъий киришилганлиги сўнгги ойларда кутилган натижани бераяпти. Масалан, шу йилнинг 1-январ ҳолатига 2531 нафар аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи тадбиркорлар рўйхатга олинди, улардан 331251,4 минг сўм даромад солиғи ундирилиб, бюджетга жалб этилди. Уларнинг барчаси лицензия олишлари таъминланди. Давлат рўйхатидан ўтмасдан ҳамда лицензиясиз автотранспорт воситасида хизмат кўрсатаётган фуқароларни аниқлаш, солиққа тортиш мақсадида рейдлар ташкил этилиб, 979 нафар қоидабузарга нисбатан маъмурий, 172 нафар кишига молиявий жарима қўлланилди. 102 нафар қоидабузарга тегишли чора кўриш учун ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга юборилди.

С.НИЗОМОВ,
Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида жойлашган «Алимти» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасида 20 нафар ишчи-ходим ишлайди. Бу жамоада якка тартибда тикиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилади. Ишловчиларга барча шароитлар яратилган. Ойлик маош ўртача 40 минг сўм атрофида. Ҳозирги кунда корхонага раҳбарлик қилаётган Гулнора Нурбаеванинг таъкидлашича, корхона аҳолига хизмат қилишдан ташқари бошқа корхоналар билан катта буюртмалар асосида иш олиб бормоқда.

Келажакда корхона ўз тамғаси остида маҳсулотлар ишлаб чиқариб хорижга сотишни режалаштирган.

СУРАТЛАРДА: Корхона ҳаётидан лавҳалар.
Ғулом ХИДИРОВ олган суратлар.

Раҳбар масъулияти

ЭНГ ЧЕККА ҚИШЛОҚДА

газ машъаласи

Ўзбекистон - улкан имкониятлар мамлакати. Буни бугун кўплар эътироф этаётгани ҳам сир эмас. Мана шу имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланаётган меҳнат жамоалари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Жондор туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалиги шулар жумласидандир.

Юсуфжон Ортиқов жамоага раҳбар бўлиб келган биринчи кунлардаёқ дилга холис ниятни тугиб иш юрита бошлади. Натижа ёмон бўлмади. Ниятлар ижобат бўлиб, юқори сифат ва самарадорликка эришилди. «Истиқлол» тумандаги илғор хўжаликлардан бирига айланди.

Ҳа, хўжалик янгича иш усулига ўтиб ишлай бошлагандан сўнг қувончли самаралар кўзга ташлана бошлади. От изини той босар, деганларидек, ота изидан дадил одимлашга тушган раис кўплаб ташаббусларнинг ижодкорига айланди. Ҳар қадамда тежамкор бўлиш, мавжуд техника воситалари, ер, ишчи кучи, минерал ўғитлардан омилкорона фойдаланган ҳолда, пудрат ва фермерлик ҳаракатини авж олдиришга интилиш янги раҳбарни иззат-обрўсини оширди. Илгаригидек ишчи кучи, ер майдони билан 2000 йилларга келиб «Истиқлол»да пахта етиштириш салмоғи 500-600 тоннага, дон ишлаб чиқариш беш, мева, узум тайёрлаш уч, пилла етказиб бериш миқдори бир ярим бараварга ошди. Пахта ҳосилдорлиги 40, буғдой эса 50 центнерга етказилди. Режани ошириб бажарган пудратчи-ю фермерларнинг ҳар бирига 8 тоннагача буғдой берилди.

Қўшни «Бухоро», «Гулистон» ширкат хўжаликларида режалар сурункали барбод қилинган бир пайтда «Истиқлол»да тамомила ўзгача манзара юзага келди.

- Йил охирида тежаб қолинган маблағлар ҳисобидан пудратчиларга, фермер жамоасининг аъзоларига 60 минг сўмгача пул берилди,- дейди раис.—Бундан руҳланган пудратчиларимиз янада яхши ишлай бошлашди.

Ютуқлар ҳақида гап кетганда Ориф Пўлатов, Одил Хусанов, Ҳамро Файзиев, Музаффар Боймуродов, Ҳошим Болтаев сингари асл деҳқонларни тилга олиб ўтиш жоиз.

Якунланган йилда пахтанинг салкам 45 фоизини, доннинг бешдан бир қисмини, сабзавотнинг 90-95 фоизини фермер хўжаликлари етиштирдилар. Ҳозир бу ерда пахтачиликда 41 та, сабзавот, узум ва мева етиштириш билан 17 та, чорвачилик йўналишида эса 3 та фермер жамоаси иш юритаётир. Мавжуд 347 гектар буғдойзорларнинг салкам 60 гектари фермерлар ихтиёридадир.

Агар 2002 йилда ишчиларга 276 тонна буғдой тарқатилган бўлса, ўтган йили бу кўрсатгич 360 тоннани ташкил этади. 11-бригада пудратчиси Эргаш Мустафоев дон етиштиришда энг юқори кўрсаткичга эришди. Хўжаликда гектар бошига 55 центнерга яқин ҳосил олинган бўлса, Эргаш ака даласидан олинган буғдой салмоғи қарийб 70 центнерни ташкил этди.

«Акмал», «Лобар», «Фарухбек», «Шерзод-96» фермер хўжаликлари ҳақида фақат илиқ гапларни айтиш мумкин. Улар фермерчилик ҳаракатининг қалдирғочларидир. Қишлоқлар қиёфасининг тубдан ўзгариб, янгича чирой бағишлаб боришида ҳам ушбу деҳқонларнинг ҳиссалари катта бўлаётир.

2003 йилнинг ўзида охирги қишлоқ Янгиерда газ машъаласи ёқилди. Натижада 93 хонадон табиий газдан баҳраманд бўлди. Бу ерда 3 та газ тақсимлагич ўрнатилиб, 7,5 километр узунликдаги қувурлар тортилди. Мирзачўлда болалар учун мўлжалланган спорт иншооти, хўжалик марказида 3 минг кишига мўлжалланган ўйингоҳ, Раҳимободда қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Раис гарчи қарийб 10 йилдан буён хўжаликни бошқараётган бўлса-да, камтарона яшайди. У ҳатто бола-чақасига оддий участка қуриш ҳақида ҳам ўйлаган эмас. Шахсий машинада савлат тўкиб юришни ҳам хуш кўрмайди. Хўжалик ҳудудидаги боғча, дала шийпонларининг бари унинг жонажон жамоадошлари, уларнинг фарзандлари учун хизмат қилмоқда.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири

СЕМИНАР ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, туманлар ҳокимлари, агросаноат соҳасига тааллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг семинар-мунозараси якунланди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу семинарда қатнашчилар соҳага оид Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, амалдаги қонунларга киритилган қўшимча ҳамда ўзгартиришлар, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар билан танишди. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари, фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга изчил жорий этишга доир масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Давлатимиз ташқи сиёсати, хорижий инвестицияларни жалб этиш, янгича иқтисодий тамойилларни жорий этиш, қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, ер, сув ва бошқа ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш билан боғлиқ долзарб мавзуларда таниқли олим ва мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Семинар якунида қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини эркинлаштириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев давра суҳбатини очар экан, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳалари, айниқса, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган 2003 йил 24 мартда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги ҳамда 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармонлари ва улар ижросини таъминлашга қаратилган ҳукумат қарорларида юртимиз аграр соҳасини янада ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилган.

Тингловчилар семинар-мунозарадан олган билимларини амалиётга кенг татбиқ этиши, юқорида эслатилган ҳужжатлар ижросини қатъий бажариш учун бутун куч-гайратини сарфлаши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Якуний машғулотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари И.Жўрабеков, Т.Худойбергенов, Бош вазирнинг ўринбосарлари Р.Азимов, А.Азизхўжаев сўзга чиқди.

(ЎзА)

МАВЖУД САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг 29 январ куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

(Боши 1-бетда)

Бу эса, биринчи галда, вилоят иқтисодиётининг ўсиш суръатлари ва самарадорлигига, аҳолининг ҳаёт даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Буни кўрмаслик, англамаслик мутлақо нотўғри бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз авваламбор ўзимизга ўзимиз холисона баҳо беришимиз керак. Бу биз учун ўз мақсадларимизга етишнинг асосий шартидир. Ҳар қайси одам, ҳар қайси жамоа ўз ишига танқидий баҳо берсагина, эртанги режаларининг амалга ошишини ҳам таъминлай олади.

Биз нимага эришганимиз ва нималарга эриша олмаганимизни вақтида англаб, тўғри хулосалар чиқариб олсак, бу ҳам мардлик белгиси бўлади. Шундагина одамлар, халқимиз олдида виждонимиз тоза бўлади.

Бу маърузага тайёргарлик кўриш жараёнида мен ўзимга қайта-қайта бир саволни бердим: нима учун Тошкент вилояти бундай аҳволга тушиб қолди? Ҳаммамиз яхши биламиз, илгари катта-катта анжуманларда биринчи бўлиб Тошкент вилояти вакилларига сўз бериларди. Чунки вилоятнинг ҳамма соҳалар бўйича эришган кўрсаткичлари, обрў-эътибори баланд эди.

Албатта, обрў-эътибор осмондан тушмайди. Бунга фақат меҳнат, изланиш билан эришиш мумкин. Буни доимо бошқаларга ибрат бўлиб келган Тошкент вилояти тарихида кўп кўрганмиз.

Кейинги йилларда вилоят ҳаётида рўй бераётган оқсоқлик авваламбор одамларнинг нафсониятига, ғурурига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ғурур-ифтихор деган нарса бир йилда пайдо бўлмайди. Бунинг учун узоқ вақт тинимсиз меҳнат қилиш, керак бўлса, жон фидо этиш зарур.

Кўп-кўп мисолларда кўриш мумкинки, бу иш бизнинг қўлимиздан келади. Фақат одамларни уйғотиш керак, уларнинг ишончини қозониш керак. Қолган ҳамма нарса бизда бор.

Вазиятни шу нуқтаи назардан таҳлил қилиб, саноат соҳасини оладиган бўлсак, вилоятдаги кўпгина йирик корхона ва уюшмаларнинг ишлаб чиқариш ва техник ҳолати бугун замон талабларига жавоб бермайди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот оддий рақобатга чидолмайди.

Фақатгина ўтган йилнинг ўзида 204 та корхонанинг 76 тасида режадагидан 42 ярим миллиард сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди.

Вилоят корхоналарида ишлаб чиқарилаётган аксарият маҳсулотларнинг сифати паст, таннархи эса баланд, маркетинг хизмати яхши йўлга қўйилмагани туфайли омбор учун ишлашдек ярақсиз усул ҳамон давом этмоқда.

Натижада вилоятда сотилмай ётган тайёр маҳсулотлар қолдиғи ўтган йилнинг ўзида 1,6 баробарга ортиб, 43 миллиард сўмни ташкил этгани ҳам ана шу ачинарли аҳволни тасдиқлаб турибди.

Сўнгги йилларда зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони 37 тадан 50 тага етгани, зарар миқдори эса 20 миллиард сўмдан ошиб кетгани аввало вилоят раҳбарияти ва тегишли мутасаддиларнинг ўзибўларчилик ва лоқайдлик кайфиятига берилиб кетганини кўрсатади.

Вилоятда тўлов интизомини, ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш билан боғлиқ ишлар ҳам қониқарсиз аҳволда. Айни пайтда дебиторлик қарзлар миқдори 67 миллиард сўмдан ортиқ экани, кредиторлик қарзлар эса 157 миллиард сўмни ташкил этаётгани ҳам шунинг исботидир.

Айниқса, пахтачилик соҳасидаги оқсоқлик йилдан-йилга кучайиб бораётгани ҳаммамизни ташвишга солиши табиий.

Охирги тўрт йил мобайнида вилоятда пахта етиштириш 281 минг тоннадан 226 минг тоннага тушиб қолгани, ҳосилдорлик эса 5 центнерга пасайиб, давлатга қарийб 138 минг тонна пахта кам етказиб берилгани пахтачиликдаги аҳволни яққол кўрсатиб турибди.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, биродарлар, мана шу 138 минг тонналик ҳосилни бой берганимиз шу ҳисобидан миллиард-миллиард сўм даромадни йўқотганимиздан далолат бермайдими?

Ва бу ҳаётимизнинг даражасига салбий таъсир ўтказмоқда, ижтимоий соҳада қанча-қанча объектларимиз қурилмасдан, кўп муаммоларимиз ечилмасдан қолиб кетди.

Бир пайтлар ишни қойил қилиб, барча-барчага ўрнак бўлган вилоят деҳқонлари энди бошқа жойларга бориб тажриба ўрганишга эҳтиёж сезмоқда. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бугун шу ҳақиқатни очиқ айтишга мажбурмиз.

Мисол учун, чигитни плёнка остига экиш масаласини олайлик. Ўтган йили бу усул билан режадаги 24 минг гектар ўрнига бор-йўғи 3 минг 700 гектар ерга чигит экилганига нима дейиш мумкин?

Қишлоқ хўжалигидаги илғор технологияларга мана шундай совуққон муносабат натижасида, изланувчанлик ва ташаббускорлик етишмаслиги оқибатида вилоятда ўтган мавсумда пахта топшириш бўйича шартнома режаси 77,5 фоизда қолиб кетди.

Ер ва сув имкониятлари жиҳатидан бир хил шароитда бўлган Чиноз тумани меҳнаткашлари шартнома режасини ортиғи билан адо этгани ҳолда, бу кўрсаткич Пскент ва Бекобод туманларида атиги 65-67 фоизни ташкил этганига нима деса бўлади?

Ҳурматли депутатлар!

Бугун қилаётган ишларимизга баҳо берар эканмиз, биринчи галда аҳолимизни қийнаётган муаммоларга, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, оғирини енгил қилиш йўлидаги масалаларга алоҳида эътибор беришимиз зарур.

Бу йўналишда, холисона тан олишимиз керак, Тошкент вилоятида анча-мунча ишлар амалга ошириляпти.

Кейинги йилларда вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 93 фоизга, табиий газ билан таъминлаш эса 83 фоизга етгани ҳам шулар жумласидандир.

Лекин очиқ айтишимиз керак: қурилиш, ижтимоий соҳа, айниқса, маориф ва соғлиқни сақлаш тармоқларидаги аҳвол аҳолининг кўпгина эътироз ва норозиликларига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда Тошкент вилоятида 897 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, уларда 520 минг нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Бу мактабларнинг 85 фоизи қишлоқларда жойлашган.

Хўш, ярим миллиондан зиёд бу болаларга муносабат қандай? Ёки ёшлар - келажагимиз эгаси, ғурур-ифтихоримиз, суянчимиз ва таянчимиз, деган тушунчалар фақат қуруқ гап бўлиб қоляптими? Бу соҳага Тошкент вилоятида нега етарли эътибор берилмаяпти?

Биламан, маблағ ва имкониятларимиз ҳозирча етишмайди. Агар етса эди, кўп мактабларни янгича қуриб, замонавий таъмирлаб, жиҳозлаб олган бўлардик. Лекин умумий республика кўрсаткичи деган ўлчов бор. Ҳар қайси вилоят ана шу кўрсаткичдан орқада қолса, ўзига табиий равишда, нега бундай бўлди, биз нимага оқсоқ бўлиб қолдик, деб савол бериши керак. Шундай экан, пойтахт вилояти нега бошқалардан орқада қолаяпти?

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида мен айни шу масалага эътиборни қаратган эдим.

Бугун бу муаммонинг нақадар долзарблигини Тошкент вилояти мисолида ҳам кўриб турибмиз. Нима учун Тошкент вилоятида қишлоқ мактаблари, таъбир жоиз бўлса, худдики сағир бўлиб турибди? Ўйлайманки, бу сўзнинг маъносини яхши тушунасизлар, халқимиз қаровсиз, етим қолган болаларни сағир деб атайди.

Қишлоқ мактабларида ўқийдиган фарзандларимизнинг кўзига қаранг. Уларнинг кўзида битта савол - менинг айбим нима, нима учун мен шундай ночор шароитда ўқишим керак, деган маънони кўриш мумкин. Чунки улар дунёда, юртимизнинг турли жойларида бугун болалар қандай замонавий ўқув масканларида таълим олаётганини кўриб турибди. Шунинг учун уларнинг, менинг бошқалардан кам жойим борми, деб ўкиниши табиий ҳол, албатта.

Агар мендан, маънавий соғлом болалар қаерда ўсяпти, деб сўраса, бошқалар хафа бўлмасин-у, қишлоқда, деб жавоб берган бўлардим. Шундай экан, келажакда мамлакатимиз тақдирини белгилайдиган болаларимизнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олишлари учун нега етарли шароит яратиб бермаяпмиз? Фарзандларимиз кўзидаги бу саволга биз ҳаммамиз - ҳокимлар ва раҳбарлар жавоб беришимиз керак.

Бу борадаги аҳволни аниқ тасаввур қилиш учун баъзи бир мисолларни келтирмоқчиман.

Вилоятдаги мактабларнинг 70 фоизида ўқиш икки смена да, Бўка ва Зангиота, Қуйи Чирчиқ, Бекобод ва Ўрта Чирчиқ туманларидаги айрим мактабларда эса ҳатто уч сменада олиб борилади.

Аҳволнинг шундай кескинлигига қарамасдан, кейинги йилларда янги мактаблар қуриш ва ишга тушириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмаяпти. Жумладан, қурилиши тўхтаб қолган мактабларни қуриб битказиш юзасидан амалий ишлар қилинмаяпти.

Вилоятда бундай мактабларнинг сони 47 тани ташкил этади, уларнинг 42 тасида қурилиш ишлари бошланганига 10 йилдан кўпроқ вақт бўлган. Бўка ва Бўстонлиқ туманларида 5 тадан, Қибрай ва Пскент, Юқори Чирчиқ ва Янгийўл туманлари ҳамда Ангрен шаҳрида учтадан ана шундай мактаблар бор. Чала қолган мактабни 10 йил давомида қуриб битказишга қурби етмаган туман мутасаддилари фаолиятига қандай баҳо бериш мумкин?

Вилоятда мавжуд мактабларнинг тахминан 50 фоизи мослаштирилган биноларда, 62 та мактаб эса ночор аҳволда жойлашган. Энг ёмони, кейинги йилларда уларнинг сони камаймаяпти.

Сўнгги беш йил давомида фақат 297 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилган. Лекин бу ишларнинг кўлами жорий таъмирлашдан фарқ қилмайди, белгиланган талаб ва меъёрларга жавоб бермайди.

Яъни, вилоятда капитал таъмирлаш ишлари фақат синф хоналарини бўяш ва оқлаш, бинолар томини тузатишдангина иборат бўлиб қолмоқда.

Мавжуд катта иқтисодий салоҳиятга қарамасдан, вилоятда, айниқса, Тошкент шаҳрига туташ шаҳар ва туманларда бюджетдан ташқари маблағларни бу соҳага жалб қилиш ҳажми ниҳоятда пастлигича қолмоқда. Бу ишга - алоҳида урғу бериб айтмоқчиман - ҳомийларнинг куч ва имкониятларини жалб қилиш ҳам қониқарсиз аҳволда.

Масалан, Зангиота туманидаги 22-мактабда ўн йил мобайнида бирор марта ҳам капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмаган.

Бу ерда 793 нафар ўқувчи таълим олишига қарамасдан, мактаб ошхонаси фақат 50 ўринга эга. Бу мактаб деярли ситилмайди, томидан сурункасига чакка ўтиб ётади, ҳовлидаги ёрдамчи бинолар санитария талабларига умуман жавоб бермайди.

Туман ҳокими ёки унинг ўринбосарлари охирги марта қачон бу ерга келганини мактаб раҳбарияти эслай олмаса керак.

Таълим муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлаш борасида ҳам салбий ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Бўстонлиқ ва Паркент, Пскент, Чиноз ва Янгийўл туманларидаги қатор мактаблар кадрлар билан тўлиқ таъминланмаган. Айниқса, чет тили фани бўйича ўқитувчилар етишмайди.

Умумтаълим мактабларидаги мавжуд 33,5 минг педагог кадрнинг 70 фоизигина олий маълумотга эга. Бу мамлакат миқёсидаги ўртача кўрсаткичдан анча паст.

Масалан, олий маълумотга эга бўлмаган ўқитувчилар Бекобод туманида 46 фоиз, Паркентда 37,8 фоиз, Оҳангаронда 37 фоиз, Чиноз ва Пскент туманларида 33 фоизни ташкил этади. Бу жойларда педагог кадрлар таркиби асосан ўрта махсус маълумотли ўқитувчилардан иборат.

Бундай аҳволга ким танқидий баҳо бермоқда? Ким бунинг чорасини кўрмоқда? Бундай ҳолатдан шу туманларнинг ҳокимлари, вилоят раҳбарлари хабардорми, улар бу аҳволнинг сабабларини биладими? Афсуски, улардан сўрасангиз, фақат, мана, пахтани бажардик, ғалланы бажардик, деб ҳисоб беришга ўтиб кетади.

Албатта, бу иқтисодий кўрсаткичлар муҳим, лекин ҳокимнинг асосий вазифаси - ижтимоий масалани ечиш, халқни рози қилиш эмасми? Бу масалаларни бугун Президент эмас, ҳаётнинг ўзи талаб қиляпти. Президент фақат сизларнинг эсингизга соляпти, холос.

Мактабларни тузатиш учун аввало ҳар томонлама асосланган, пухта режа тузиш керак. Аниқ режа бўлмаса, интилиш ҳам бўлмайди. Фақат ҳисоб бериш учун эмас, элюртимиз учун ишлаш керак. Шундан кейин ғалла ҳам, пахта ҳам бўлади.

Ёки аҳоли саломатлигини сақлаш масаласини кўрайлик. Сўнгги пайтда вилоятда бу соҳани ислоҳ этиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирга қадар 174 та қишлоқ врачлик пункти ташкил этилгани, аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизими шаклланаётгани шундан далолат беради.

Лекин аҳолининг соғлиғини сақлаш даражасини белгилайдиган кўпгина кўрсаткичлар бўйича вилоят бу борадаги республиканинг ўртача кўрсаткичларидан сезиларли равишда ортда қолмоқда.

Бу, авваламбор, аҳоли ўртасида ўлим ҳолатларининг республика кўрсаткичидан 1,2 баробар, оналар ўлими бўйича қарийб 1,6 баробар ортиқлигида, 1 ёшгача бўлган болаларнинг касалланиш ҳоллари кўпайиб бораётгани ҳаммамизни ташвишга солиши муқаррар.

Вилоятда кўплаб тиббиёт муассасаларининг зарур анжом ва асбоб-ускуналар билан таъминланиш даражасининг пастлиги ва ночор аҳволи қишини ташвишлантиради.

Айниқса, Бўстонлиқ ва Зангиота, Чиноз ва Тошкент, Янгийўл туманларида соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базаси, керакли ашёлар ва анжомлар билан таъминланиши, тиббиёт ходимларининг малакаси ҳамон паст даражада қолмоқда.

Кейинги беш йил ичида Оққўрғон ва Бекобод, Қуйи Чирчиқ, Чиноз ва Янгийўл туманларида бирорта ҳам тиббий ускуна сотиб олинмаган.

Кўп жойларда дори-дармон билан таъминланиш даражаси эҳтиёжга нисбатан атиги 30-60 фоизни ташкил этаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Вилоятдаги мавжуд 199 та тез ёрдам машинасидан 55 таси, яъни 27,6 фоизи мутлақо фойдаланишга ярамайди, машиналардаги рацияларнинг 60 фоизи маблағ етишмаслиги боис ишламайди. Умуман, тез тиббий ёрдам соҳасини автотранспорт билан таъминлаш бўйича кўрсаткич вилоятда 82 фоиздан ортмайди.

Мисол учун, Ангрен шаҳрини олайлик. Бу ерда 16 та тез ёрдам машинасига эҳтиёж бўлгани ҳолда, ҳақиқатда 10 та машина мавжуд бўлиб, улардан атиги бештаси ишлайди, холос.

Бир қарашда, бу арзимас масала бўлиб туюлиши мумкин. Лекин тўсатдан юраги ёмон бўлиб қолган ёки ўлим тўшагида ётган одамнинг ўрнига ўзимизни қўйиб кўрсак, бунинг нақадар муҳим эканини тушунамиз.

Биз эндигина бозор иқтисодиётига ўтаётган даврда тиббий хизмат пуллик бўлиши керак, бозор муносабатлари шуни талаб қилади, деганлар ҳам бўлди. Лекин биз бундай бирёқлама фикрларга берилмасдан, тиббиёт соҳасида ҳам ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлни танладик.

Мен соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш устида уч йилдан кўпроқ вақт бош қотирдим, бу борада жаҳон тажрибаси, Европа тажрибасини ўргандим.

Биз авваламбор аҳоли учун бепул тез тиббий ёрдам хизматини ташкил қилишга эътибор қаратдик. 1997 йилдан бошлаб соғлиқни сақлаш соҳасида туб ислоҳотларни жорий этишга киришдик. Ўтган давр мобайнида бу борада кўп ишлар амалга оширилди.

Лекин Тошкент вилоятида аҳвол ҳануз эскича қолаётгани жиддий ташвиш уйғотади. Ўзингиз ўйланг, «тез ёрдам» ўз вақтида келмаса, унинг машинаси, рацияси ишламаса, бунинг нимаси тез ёрдам? Ҳозирги пайтда рўй бераётган ўлим ҳолатларининг аксарияти асосан тез ёрдам хизматининг вақтида кўрсатилмаслиги билан боғлиқ эканини инобатга оладиган бўлсак, Тошкент вилоятидаги мавжуд аҳволни албатта оқлаб бўлмайди.

Инсон манфаатларини таъминлаш устувор мақсадимиз экан, одамларнинг саломатлиги биз учун асосий масалалардан бири бўлиши керак. Шуларни эътиборга олиб, биз Тошкент шаҳрида бешта махсус ихтисослашган шифохона очишга қарор қилдик, уларда энг мураккаб тиббий операциялар амалга оширилади. Шу билан бирга, шошилинч тиббий хизмат соҳаси ҳам эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ. Масалан, тез тиббий ёрдам хизматчиларининг маошини 15-20 фоизга ошириш ҳақида декабр ойида имзоланган фармон бунга мисол бўла олади.

Яна бир бор такрорлайман - мактаб-маориф, касалхона, аҳолини газ ва сув билан таъминлаш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлмоғи керак.

Мана, Бўка туманида газлаштириш даражаси бор-йўғи 40 фоизни ташкил этишига нима дейиш мумкин? Шуни унутмаслигимиз керакки, бу фақат коммунал масала эмас, бу аввало аёлларга шароит яратиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, қолаверса, оилага, маҳаллага маданият олиб кириш, одамларнинг ҳаёт даражасини ўзгартириш демакдир.

Вилоятда янги қурилиш, халқимиз яшаётган жойларни, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, обод этиш масаласига етарли эътибор берилмаяпти.

Айрим қишлоқлардаги майдон ва кўчаларнинг қаровсиз ҳолати, аҳоли истиқомат қиладиган турар-жойларнинг эътибордан четда қолиб келаётгани лоқайдлик ва бепарволикдан йироқ бўлган ҳар қандай одамнинг кўнглини хира қилиши турган гап.

Мен юртимизнинг кўп жойларида бўлганимда, қишлоқларимиз, турар-жойларимизнинг қиёфаси очилиб, гўзаллашиб бораётганини, бугунги ҳаётимизнинг янгича белги-аломати бўлган шундай интилиш ва эзгу ҳаваслани кўриб, кўпчилик халқимиз қатори хурсанд бўламан, кўнглим тоғдек кўтарилади.

Афсуски, Тошкент вилоятида бундай ижобий ёндашиш ва мисолларни камдан-кам учратамиз.

Яқинда мен Ғазалкент шаҳридан ўтаётиб, унинг қандай аҳволга тушиб қолганини кўриб, жуда ачиндим. Беихтиёр, бу жойнинг эгаси борми ўзи, деб ўйладим.

Қишлоқ ва шаҳарларимизни обод қилиш - бу шунчаки ҳавас ёки эрмак эмас, балки шу орқали одамларнинг турмуш шароити, энг муҳими, маънавий дунёси ўзгаради.

Турмуш маданияти, маънавият шундай нарсаки, у болаликдан, боғча ёшидан инсоннинг тарбиясига кирган тақдирдагина ижобий бир натижа беради. Қўни-қўшни, маҳалла-кўй ўртасида биргаликда гул ва кўчат экиш, деворларни оқлаш, ён-атрофни обод қилиш орқали бекорчилик, ҳар хил фисқу фасод ва ғийбат гаплар барҳам топади. Шундан сўнг нафақат кўча ёки майдонларда, балки инсон кўнглида ҳам ёруғлик пайдо бўлади. Мен ободлик кўнгилдан бошланади, деганда, авваламбор, шуни назарда тутаман.

Азиз дўстлар, барчангиздан бир оддий ҳақиқатни унутмасликни сўрайман. Инсон фақат бугунги кун билан яшамайди. Ҳаёт қонунияти, тириклик талаби шундайки, бир кун билан яшайдиган, ўз олдига катта мақсад ва режаларни қўймайдиган одам узоққа боролмайди.

Тез суръатлар, шиддат билан кечаётган ҳаёт барчамизнинг олдимизга ўта оғир ва мураккаб масалаларни қўймоқда. Йилдан- йилга аҳолимизнинг сони кўпайиб, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам ортиб бормоқда. Чунки одамлар фақат кечаги ёки бугунги ҳаёт даражаси билан чекланиб қолишни истамайди.

Мен қачонки «Бизга бўлаверади» деган гапни эшитсам, қоним қайнаб кетади. Нима учун бизга бўлаверар экан? Нима, биз бировдан каммизми? Мен бу саволни ўзимга доимо қайта-қайта бераман, сизлар ҳам ўзингиздан шуни сўранглар. Нима, ўзбек халқининг бошқалардан кам жойи борми? Билиб қўйинглар, биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз. Бу ғоя, бу шиор халқнинг, миллатимизнинг онгига, суяк-суягига сингиши керак.

Мана, масалан, Тошкент вилоятида қишлоқ жойларидаги кўп уйлар гувала-пахсадан қилинган. Бундай ҳолат катта салоҳиятга эга бўлган пойтахт вилоятига ярашадими? Бу аҳволни ўнглаш учун имконият яратиш шунчалик қийинми? Кўп касалликларнинг келиб чиқиши ана шундай зах уйлардаги шароит билан боғлиқ эмасми? Нима, Тошкент вилоятида ғишт заводларини кўпайтириб, ғиштнинг нархини арзон қилиб қўйиш мумкин эмасми?

Умуман, Тошкент вилоятида қурилиш соҳасида замонавий архитектура талабларига риоя қилиш борми ўзи? Биринчи галда шу масалага алоҳида эътибор беришимиз керак.

Бугун одамларни баланд-парвоз гаплар, сохта ва қуруқ ваъдалар билан кўндириб, рози қилиб бўлмайди. Буни ҳаммамиз, авваламбор раҳбарлар, ўзини етакчи, деб ҳисоблайдиган одамлар чуқур англаши ва ундан керакли хулоса чиқариши лозим.

Битта бир оддий саволга жавоб берайлик. Меҳнат билан яшайдиган, меҳнат ҳисобидан ўз оиласининг ҳаётини тебратадиган, ўз келажагини кўрадиган одамларга нима керак?

Уларнинг ишини ташкил қилиб берсанг, улар ўз меҳнатидан мамнун ва рози бўлса, ўз меҳнатига қараб ҳақини олса, эртанги кунини аниқ ва равшан тасаввур қилса, бундай инсонлар ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун ҳар қанча фидоийлик кўрсатиши мумкин.

Лекин бундай меҳнатчиларимизнинг бошини қовуштириш, кўнглини, руҳини кўтариш, уларнинг истиқболини кўрсатиш учун ишни ташкил қиладиган, уларни сафарбарликка чорлайдиган етакчи керак, ташаббус керак.

Бундай ҳолатларни тасдиқловчи мисолларни ҳар қадамда олиб келиш қийин эмас.

Кўп йиллар давомида чўкиб қолган хўжалик ёки ташкилотга билимли, замонавий талабларга жавоб берадиган, ташаббускор, изланувчан ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган бир инсон бошлиқ бўлиб келса, орадан кўп ўтмай, шу ерда қандайдир жонланиш пайдо бўлади, одамлар ҳам ҳаракатга келиб, шу етакчининг атрофида жипслашиб, кўпгина ўзгаришларга эришади, ютуқларни қўлга киритишга қодир бўлади.

Буни сизларга узоқ тушунтириб, исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Бундай вазиятни нафақат кичик бир жамоада, нафақат туман ёки вилоятда, балки республика миқёсидаги идора ва ташкилотлар мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, бизнинг халқимиздек кўнгли очиқ, бағрикенг, содда, меҳнаткаш халқни дунёда қидириб топиш қийин. Ҳамма гап ташкилотчилик, замон билан ҳамқадам бўлиб яшашда, ҳаёт талабига жавоб беришдай бир қарашда оддий, лекин шу билан бирга, раҳбарлардан талаб қилинадиган ўта мураккаб вазифани қай даражада адо этишда.

Демоқчиманки, раҳбарлик ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Яратганнинг ўзи кимгадир фермерлик, кимгадир қурувчилик, яна кимгадир шифокорлик қобилиятини ато этади, аммо раҳбарлик истеъдодини ҳаммага ҳам бермас экан.

Бу масала бўйича кўп гапирамиз, лекин яна такрорлашга тўғри келади. Раҳбарларни танлаш ва тарбиялаш, керак бўлса, раҳбарлик меҳнатига, тўғрироқ айтадиган бўлсак, раҳбарлик саньатига ўргатиш масаласи бугунги кунда бошқариш тизимимизнинг энг оғир муаммоси бўлиб қолмоқда.

Ўзингиз яхши биласиз: яхши мутахассис бўлиш мумкин - лекин яхши раҳбар бўлиш қийин.

Раҳбар ўз масъулияти ва жавобгарлигини аввало ўз виждони олдида, унга ишониб юрган одамлар ва элюрт олдида чуқур англаши керак, иш устида куйиши ва ёниши керак.

Кечаю кундуз эл ғами ва ташвиши билан яшаб, олдида турган муаммолар ечимини топмагунча, бошлаган ишларни охирига етказмагунча ўзига ҳам, бошқаларга ҳам тиним бермасдан меҳнат қилаётган инсонни мен ҳақиқий етакчи-раҳбар сифатида қабул қиламан.

Ўз тажрибамда кўрганман - ҳаётда тайёр раҳбар йўқ. Ҳеч ким тайёр ҳоким ёки вазир бўлиб туғилмайди, раҳбарлик қобилияти йиллар давомида шаклланади. Мен кўпроқ раҳбарнинг қайси хусусиятини қадрлайман? Менга доимо куйиб-ёниб яшайдиган, фидойи одам маъқул. Эҳтимол, у бирон масаланинг ечимини бирданига топа олмас, лекин кеча-кундуз шу ҳақда ўйласа, эл манфаати учун жон куйдирса, кўп муаммоларни ечишга қодир бўлади.

Минг афсуски, бугун кўп жойларда эскидан қолган, балки кимгадир ёқадиган қарашлар, кимгадир енгил ва қулай бошқариш услубларининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Яъни, «сен менга тегма, мен сенга тегмайман», «мендан кетгунча, эгасига етгунча» деган лоқайдлик, бепарволик, қатъиятсизлик ва заифлик намунаси бўлмиш ҳолатларга учрамоқдамиз.

Агар буларнинг қаторига таниш-билишлик, ошна-оғайничилик, маҳаллийчилик, порахўрлик каби иллатларни қўшсак, ўйлайманки, бугун ҳаётимизнинг кўпгина тармоқ ва жабҳаларидаги оқсоқлик, ечилмасдан турган кўпгина муаммоларнинг сабабини тушуниш қийин эмас.

Ҳар қайси раҳбар шунинг учун раҳбар қилиб қўйилган - сайланганки, у атрофида юрганларга нисбатан чуқурроқ билиш ва узокроқ кўриш қобилияти ва тажрибасига эга бўлиши керак.

Афсуски, аксарият раҳбарлар кўп жойларда фақатгина оператив, яъни кундалик ишлар билан банд бўлиб юрмоқда. Албатта, бу ҳам керак. Жойлардаги вазиятдан хабардор бўлиш, муаммоларни вақтида ҳал этиб бориш ҳам лозим.

Лекин раҳбарнинг асосий вазифаси шундаки, у ўзи етакчилик қилаётган тармоқ ёки ҳудуднинг истиқболи билан боғлиқ энг муҳим масалаларни олдиндан кўриб, уларнинг аҳамиятини ҳис этиб, сафарбарликни олдиндан ташкил қилиши шарт.

Бугунги кун ўтди, эртага бир гап бўлар, деб уйқуга, ғафлатга берилиб юришга раҳбарнинг мутлақо ҳаққи йўқ.

Фақат шундагина ўз тақдирини шу раҳбарга ишонган одамлар эртанги кунидан хотиржам бўлиши мумкин.

Тошкент вилоятидаги умумий аҳволга мана шундай кўз билан қараб, баҳо берадиган бўлсак, ишдаги йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар учун айбни биринчи галда ўз зиммасига етакчи лавозимини олган, лекин вазифасини уддалай олмаётган раҳбарда кўришимиз табиий.

Вилоятда бугун мавжуд бўлган иқтисодий-ижтимоий вазият авваламбор олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, бу ишга элюртни жалб қилиш вазифаси биздан янгича муносабат ва ёндашувларни, қатъий қарорларни қабул қилишни талаб этмоқда.

Вилоятнинг ҳозирги ҳокими Уммат Мирзақулов ҳақида гапирадиган бўлсак, албатта, бу раҳбар ўзининг қобилияти, билим ва тажрибаси билан мавжуд аҳволни яхшилаш йўлида қўлидан келганча меҳнат қилганини айтиш жоиз.

Биз ушбу сессияга тайёргарлик кўриш жараёнида бу раҳбар ҳақида одамларнинг фикрини ўргандик. Кўпчилик уни тоза одам, яхши инсон, бировни хафа қилмайди, деб таърифлайди.

Албатта, яхши одам бўлиш яхши, лекин Тошкентдай катта вилоятга ҳоким бўлиш учун шунинг ўзи етарлими?

Раҳбарликнинг оғир масъулиятини бўйнига олган шахс аввало ўзига ҳам, ўзгаларга нисбатан ҳам талабчан, қаттиққўл бўлиши, керак бўлса, кимгадир ёмон кўринишдан ҳам кўрқмаслиги керак.

Ахир, халқимизнинг, элга бошлиқ бўлиш осон, элни бошламоқ қийин, деган нақли бежиз айтилмаган.

Минг афсуски, кейинги пайтда биз вилоят иқтисодиётида, айниқса, унинг етакчи соҳа ва тармоқларида оқсоқлик тобора кучайиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Иш фаолиятидаги камчиликларни У.Мирзақуловнинг ўзи ҳам тан олиб, Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод этишни сўраб, ариза билан мурожаат қилди. Ижозатингиз билан, ана шу аризани овозга қўйишни сўрайман.

Биз Тошкент вилоятининг мамлакатимиз ҳаётидаги ўзига хос ўрнини инобатга олиб, вилоят ҳокими вазифасига номзод танлашда ҳар томонлама ўйлаб, депутатлар ва фаоллар билан фикрлашиб, бу лавозимга ҳозирги пайтда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Козим Тўлаганов номзодини тавсия этишга қарор қилдик.

Мен бу лавозим К.Тўлаганов учун катта ишонч, кўтарилиш эканига алоҳида эътибор беришингизни сўрайман.

Бу одам аввало қурувчи сифатида юртимиздаги кўплаб замонавий бинолар, катта-катта саноат иншоотларини қуришда ҳам фаол қатнашган. «Тошкент шаҳар бош қурилиш» ташкилотида ишлаган, пойтахтимизнинг ҳокими бўлиб фаолият кўрсатган. Мана энди, кейинги йилларда Вазирлар Маҳкамасида ўта масъулиятли вазифада ишлаб келаётган бу инсонни, Тошкент вилоятининг истиқболини ўйлаб, шу лавозимга тавсия этяпмиз.

Мен янги раҳбарнинг қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратишини истардим. Аввало, Тошкент вилоятида кўп миллатли халқ яшайди. Уларнинг ҳаммаси билан тил топишиш, уларни бир мақсад йўлида сафарбар қила билиш керак.

Иккинчидан, янги раҳбар вилоятнинг истиқболдаги тараққиёт режасини аниқ белгилаб олиши лозим. 2015 йилгача мўлжалланган ушбу дастурда ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича устувор йўналишлар, муаммолар, уларнинг ечимлари, бир сўз билан айтганда, вилоятни ривожлантириш масалалари ўз аксини топиши зарур.

Ана шундан кейин аниқ мақсадлар йўлида ҳаракат қилиш, кутилган натижаларга эришиш мумкин.

Шу билан бирга, Тошкент атрофидаги пахта экилмайдиган туманларни пойтахт аҳолисининг эҳтиёжини таъминлашга хизмат қиладиган ҳудудлар сифатида ихтисослаштириш масаласини ҳам кўриб чиқиш лозим. Масалан, Тошкент, Қибрай ва Зангиота туманларида мева-сабзавот, полиз ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш имкониятлари бор.

Лекин фақат қишлоқ хўжалиги билан чекланиб қолиш бугунги кун талабига тўғри келмайди. Тошкент вилоятида еттита катта саноат шаҳри мавжуд. Ноёб ишлаб чиқариш корхоналарига эга бўлган бу шаҳарларни ўз ҳолига ташлаб қўймасдан, уларнинг келажаги ҳақида доимий бош қотиришимиз лозим.

Бир сўз билан айтганда, пойтахт вилояти том маънода пойтахт вилояти бўлиши даркор.

Қадрли дўстлар!

Ҳозиргина сизлар билан сайлаб, тасдиқлаб олган янги раҳбар бугун айтилган фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, Тошкент вилоятининг иқтисодиётини ривожлантириш, ижтимоий-маънавий муҳитини яхшилаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун одамларни ўз атрофида бирлаштириб, бор куч-ғайратини, билим ва тажрибасини ишга солади, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга, бутун вилоят халқига сиҳат-саломатлик, ғайрат-шижоат, юртимиз равнақи йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда омад ёр бўлишини тилайман.

ЁЛҒИЗ ҚАРИЯЛАРГА МАНЗИЛЛИ ЁРДАМ

Меҳр-саховат, мухтожларга мурувват, хайр-эҳсон халқимизнинг кўҳна қадриятларидан ҳисобланади. Мустақиллик шарофати билан бобомерос урф-одатлар қонунларимизга кўчди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ана шундай савобли ишнинг бошида турган Шофиркон туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Максуда РАЖАБОВА шу кунларда амалга ошираётган ишлари ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

– Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати, инсонпарварлик йўли ўз фуқароларининг ижтимоий ҳимоялашдаги аниқ тадбирлари билан ўлчанади. Сир эмаски, шўро мафкурасининг тенглаштириш сиёсатидаги ички пуч ёлғонлари ҳимояга мухтож табақа манфаатларига бир ёқлама муносабатда эди. Ҳатто улар ҳақида ошкора гапириш, аниқ далиллар келтириш таъқиқлаб қўйилганди. Бахт-қувонч, ёшлик ҳақида қўйлардигу, уларнинг ортида турган хасталик, бахтсизлик, ғам, кексалик ҳақида сўзламасдик.

Озодлик, ягона Ватан, миллат устуворлиги барча инсонларнинг қонун олдида тенглигига асос солди. Адолатли ҳукуматимиз бош тамойили жамиятнинг ана шундай тенг аъзоси ҳисобланган ногиронлар, қариялар, кўп болали оилалар, нафақахўрлар ҳимоясига асосланди. Куни кеча матбуотда эълон қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳр ва мурувват йили» дастури тўғрисида»ги қарорида ўзгалар кўмагига ва ҳимоясига мухтож табақаларни ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш, жамиятимизда аҳиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга йўналтирилган олижаноб мақсад ҳамда истиқболли режалар илгари сурилган.

Айни пайтда туманимизда 17200 нафар пенсионерлар, 3300 нафардан ортиқ ногиронлар бўлиб, уларга ўз вақтида моддий ва маънавий ёрдам уюштирилмоқда. Саломатликлари, уй-жой шароитларини яхшилаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. 86 нафар ёлғиз қариялар рўйхатга олиниб, уларга манзилли ёрдам ташкил этилган. Қаровчисиз қолган бундай кексалар ва ногиронлар ўзларини ёлғиз, кимсасиз ҳис қилмасликлари учун ижтимоий таъминот бўлими томонидан 14 нафардан ортиқ ширинсўз, чаққон, меҳр-оқибатли ходимлар жалб этилган. Улар ҳар куни нуронийлар хонадонларига бориб, уй ишларига қарашадилар, керак бўлса фарзандларидек меҳр-саховат кўрсатадилар. Мухлиса Ширинова деган қизимиз бир неча йилдан бери «Шофиркон» жамоа хўжалигида яшовчи ана шундай меҳрга ташна ёлғиз қарияларга саховат хизматини кўрсатади. Уларни уй-жойларини йиғиштириб, кирларини ювиб, ҳатто овқатларини ҳам пишириб беради.

Нафиса Ўринова эса «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида яшовчи қарияларнинг дуосини олиб келмоқда. Жамила Атоева туман марказида яшовчи Ульяна Коновага фарзанд тутинган. У меҳрга мухтож нуронийга ҳамиша меҳрибон. Ҳар куни эрта тонгда уларга ўз уйидан сут олиб келиб иссиқ нонлар ёпиб беради.

Айни кунларда қаровчисини йўқотган бундай нуронийларга пенсия пулларидан ташқари ҳар ойда совға-саломлар, хайр-саховат ёрдамлари уюштирилади.

Туманимиздаги корхона ва ташкилот раҳбарлари, тадбиркорлар нуронийларимизнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришда баҳоли қудрат кўмаклашмоқдалар. Туман ўрмон хўжалиги ҳомийлигида 3 нафар ёлғиз қарияларнинг уйи таъмирлаб берилди. 5 нафарга яқин қаровчисини йўқотган отахону онахонларга моддий ёрдам уюштирилди. 30 нафар яккаёлғизларга эса озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. «Хотира ва қадрлаш» куни муносабати билан 300 нафардан ортиқ уруш қатнашчиларига байрам дастурхонлари ёзилиб, совға-салом инъом этилди. Ногиронларга протез ва оёқ кийимлари, ногиронлик аравачалари, ҳасса, эшитиш аппаратлари ҳомий ташкилотларимиз томонидан мурувват ёрдами сифатида олиб берилди.

Халқимизнинг мурувватпешалик фазилатларини давом эттириб, туман фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда савобли ишларни олиб боряпмиз. Жойлардаги 24 та жамоатчилик марказларида 500 нафарга яқин уруш ва меҳнат фахрийлари, 20 дан ортиқ байналмилал жангчилар, 180 дан зиёд уруш-да боқувчисини йўқотган оила, 20 дан ошиқ ҳарбий хизматчи ва 5 минг нафардан ортиқ турли тоифадаги нафақахўрлар ижтимоий ҳимояга олинган. Жамғарма қошида меҳнатга лаёқатли фахрийларнинг тадбиркорлик уюшмалари тузилган. Унда ўнлаб нуронийлар тадбиркорлик билан шуғулланишмоқда.

А.ҚОДИРОВА,
«Ишонч» мухбири

Меҳр ва мурувват йилида кам таъминланганлар, ногирон ҳамда фахрийлар ҳолидан тез-тез хабар олиб турилади. Республика енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг охирги йиғилишларида бу фикр тез-тез такрорланганди. Куни кеча «Ўзбекенгилсаноат» ассоциацияси касаба уюшма қўмитаси ҳамда тармоқ Марказий қўмитасининг мурувватидан меҳнат фахрийси, II гуруҳ ногирони Роза Хорошкина оиласи баҳраманд бўлди. Шу куни унга рангли телевизор совға қилинди.

И.ҲАСАНОВ
олган сурат

2004: МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ

ЯХШИЛИК ҚОЛУР

Чилонзор тумани ҳокимлигида Қурбон ҳайити муносабати билан Дўмбробод ва Қозиобод маҳаллалари фаоллари иштирокида "Меҳр қолур, оқибат қолур" деб номланган учрашув ўтказилди.

Учрашувга маҳаллалардаги етмишдан ортиқ кам таъминланган оилалар ҳамда ногирон аёллар таклиф этилди. Туман ҳокимлиги маданият бўлими ташаббуси билан уларга байрам дастурхони безатилди.

- Эзгулик туйғулари ҳар бир инсон қалбида яшайди. Инсоннинг бир-бирига яхшилигида у ўз аксини топади, - деди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содиқова. – Мазкур тадбир "Меҳр ва мурувват йили"даги саховатларимизнинг бири. Тадбирни ўтказишдан мақсад меҳрга зор инсонларга уни улашишдан иборат.

Ижтимоий ҳимоя

Ўзбекистон Президентининг «Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан аниқ дастур ишлаб чиққанмиз, - дейди Бўка пахта тозалаш очиқ турдаги хиссадорлик жамияти раиси Орзумат Ортикматов. - Унга кўра сифатли маҳсулот тайёрлаш, тармоқни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, илғор техника ва технологияларни жорий этиш чора-тадбирларини кўрмоқдамиз.

МЕҲНАТГА ЯНГИЧА МУНОСАБАТ

Ўтган мавсумда 28 минг 200 тонна хомашё қабул қилиб олинди. Ҳозирги кунда ана шу пахтани қайта ишлаш учун 550 нафар ишчи-хизматчи ходим меҳнат қилмоқда. Ишчиларда меҳнатга янгича муносабат шаклланганлиги, мавжуд техника воситалари ва тола ажратувчи ускуналар бенуқсон ишлаётганлиги туфайли белгиланган шартномавий режалар ошириб бажарилмоқда. Натижада тайёр маҳсулотлар АҚШ, Канада, Англия, Япония, Россия каби хорижий давлатларга экспорт қилинди.

Акром Облоқулов, Хожиқул Эгамбердиев, Дарвеш Ўринбоев, Бахтиёр Отақулов, Хожимурод Эгамқулов сингари созловчи ва тола ажратувчилар жамоанинг фахридир. Ишчиларнинг устози монтёр Худойберди Раҳмонқулов эса 1961 йилдан корхонада ишлаб келади.

Касаба уюшма қўмитаси ва маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши қатъий назорат остига олинган. Ишчилар корхона ҳисобидан иссиқ овқат, зарарли шароитда ишловчиларга сут маҳсулотлари билан таъминланишган. Иш жойларини яхшилашга 440 минг сўм, капитал таъмирлашга эса 141 миллион сўм сарфланди. Ишловчиларга 250 минг сўмлик махсус кийим-кечак тарқатилди. «Келажак» оромгоҳига 40 нафар ишчилар фарзандлари юборилиб, йўлланмалар учун 2,7 миллион сўм харажат қилинди. Тумандаги 2-мактаб корхона оталиғида. Меҳрибонлик уйига 200 минг сўм маблағ ажратилди.

Ўтган йил мобайнида ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш учун 40 миллион сўм сарфланди. Оилавий шароити бўйича мурожаат қилган ишчиларга корхона ва касаба уюшма қўмитаси томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Йил якуни бўйича 58 та турли мазмунда ариза ва шикоятлар тушиб, 55 таси ижобий ҳал этилди.

Меҳр ва мурувват йилида ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига ўтган йилгидан ҳам кўпроқ маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Қашқадарёликлар ахил, меҳр-оқибатли, ориятли одамлар. Инсон қадр-қиммати улуғланган бу юртда залворли ютуқларга эришилаяпти. Тоққа чиққан киши чўққини кўзлар, деб бежиз айтишмаган. Вилоят иктисодиётининг барча жабҳаларида ўсиш ва ривожланиш куртаклари яккол кўзга ташланмоқда. Табиий ресурсларга бой ўлканинг иқтисодий салоҳияти ошиб боряпти.

ОЛИЖАНОБ ФАЗИЛАТЛАР
қалбимизни тарк этмасин

Йигирмадан ортиқ газ, конденсат ва нефт конларини ўз тасарруфига олган «Шўртаннефтгаз» унитар шуъба корхонаси ташкил топганига 23 йил тўлди. Жанубий-ғарбий минтақадаги конларни ишга туширш ва коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш йўлида баракали меҳнат қилаётган йирик жамоа республикамиз саноатига миллиардлаб кубометр газ етказиб бермоқда. Корхона Шўртан газкимё мажмуи, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Талимаржон ва Сирдарё ГРЭСларини қимматли хомашё билан ҳам таъминлаяпти. Яқинда фойдаланишга топширилган Янги Қоратепа газ ва газ конденсати кони, ўтган йили ишга туширилган компрессор станцияси мамлакат иқтисодий қувватини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Чет эл сармоядорлари билан ҳамкорликда хорижий ускуналарнинг ўрнатилиши маҳсулотларни жаҳон андозалари даражасига етказиш имконини берди. Исроил давлатининг «Бейтман» ва Америка Қўшма Штатларининг «Дрессер-Ренд» компаниялари билан биргаликда бунёд этилган Шўртан сиқув компрессор станцияси, Хитойнинг «Centuru CHANNEL Limited» компанияси билан ҳамкорликда олтингугурт юклаш бўйича амалга оширилган ишлар, Янги Қоратепа кони ҳудудида Хитой миллий нефт компаниясининг «OPTDC» ва «Хун–Хуа» корпорацияси билан баҳамжиҳат замонавий, янги технологиялар билан жиҳозланган бурғулаш дастгоҳларининг ўрнатилиши катта иқтисодий самара бермоқда.

Ижтимоий инфратузилмани юксалтиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Қарши шаҳрида Файзулла Хўжаев, Қиличбек, Қўрғонча, Муборакда Алишер Навоий, «Дўстлик», Косонда «Ровот», Охунбобоев, «Нартичукур», Ғузорда «Наврўз», Иқбол Эгамбердиева, Чироқчида Чўвиллоқ, Китоб туманида Ҳамид Олимжон номли маҳаллаларда ҳомий корхоналар, тадбиркорлар томонидан замонавий, кўркам ғузарлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Йўлларни тартибга келтириш ва таъмирлаш, ободонлаштириш соҳасида ҳам ибратли ишлар қилинаяпти. Шаҳар ва қишлоқларда янги иморатлар қад кўтармоқда. Масалан, ўтган йили 750 минг квадрат метр уй-жой қурилди. 385 километр газ, 190 километр сув қувурлари тортилди. 6700 ўринли касб-ҳунар коллежлари, 3053 ўринли мактаб бинолари қурилди. 12 та коллеж қайта таъмирланди. Ҳар бири 50 қатновга мўлжалланган 21 та қишлоқ врачлик пункти бунёд этилди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши воҳа иқтисодиётида салмоқли ўринни эгаллайди. Бир йилда 744,9 минг тонна дон етиштирилганлиги, 392,6 минг тонна пахта тайёрланганлиги вилоят бободеҳқонларининг фидокорона меҳнати самарасидир. Президентимиз Фармонига асосан 32 та ширкат фермер хўжалигига айлантирилди. 4700 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 29900 тага, қўшма корхоналар эса 47 тага етди. Бугунги кунда Шаҳрисабздаги «Оқсарой тўқимачи ЛТД», «Косон Полон - ОЙЛ» қўшма корхоналарининг барқарор ишлай бошлаганлиги вилоят экспорт салоҳиятини оширмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт қашқадарёликларнинг доимий ҳамроҳига айланган. Ўтган йили «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика турнирида вилоят терма жамоаси чемпионликни ўз қўлида сақлаб қолди. Қарши шаҳридаги «Кунчиқар» маҳалласининг 13-14 ёшли ўсмирларидан иборат футбол жамоаси республика миқёсида ўтказилган «Футболимиз келажаги» мусобақасида иккинчи ўринни эгаллади. Муборак шаҳридаги «Машъал» маҳалласида яшовчи Комилжон Ёмғиров, оиласи «Соғлом оила» спорт мусобақасининг республика босқичида иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Биринчи даражали диплом, 4 та олтин медал ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Миллий кураш бўйича Жаҳон ва Осиё чемпиони, Ат-Термизий халқаро турнири ғолиби Исоқ Аҳмедов, мамлакат чемпиони, косонлик курашчи қиз Гулшан Нуралиева, вилоятнинг биринчи рақамли теннисчиси, Андижонда ўтказилган «Баркамол авлод» спорт мусобақаси олтин медали соҳиби Алексей Номозов, иқтидорли ёш каратэчи Ҳамза Калонов, умидли шоҳмотчи Умида Чоршанбиева, юнонрум кураши бўйича жаҳон биринчилигидаги кумуш медали совриндори Жаҳонгир Турдиев каби ўнлаб ёшлар йилнинг энг яхши спортчилари деб топилди.

Инсон ширин сўз ва меҳрни соғиниб яшайди. Меҳр-мурувват қўнгилларни нурафшон этади. Ўтган йили ўзгалар парваришига муҳтож кишиларга 300 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Қамаши туманилик болаликдан ногирон Дилрабо Бобоқуловага Юртбошимиз совғалари топширилганда, қишлоқ қизининг қўнгли тоғдек кўтарилди. Кўплаб китоблар муаллифи Дилрабонинг қалби меҳр нуридан мунаввар бўлди, кўзларидан қувонч ёшлари қуйилди. Вилоят ҳокими бошчилигида бир гуруҳ корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари Яккабоғдаги «Саховат уйи»га ташриф буюриб, қариялар ҳолидан хабар олишди. Бир пиёла чой устида ўтказилган мулоқот ўксик кўнгилларни чароғон этди. Ҳомийлар томонидан рангли телевизор, видеомагнитафон, қимматбаҳо гиламлар ва бошқа кўплаб жиҳозлар қариялар уйига ҳадя этилди.

Яккабоғ тумани «Ҳисор» жамоа хўжалигининг Чуброн қишлоғида саховатпеша инсон Худойберди бобо Ярашев умргузаронлик қилади. Ёши 80 дан ошган олиҳиммат отахон мактаблар, болалар боғчалари ва боқувчисини йўқотганларга доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. У кўзи ожиз Тожихол момо Кенжаевага, ёлғиз қария Қумри момо ва 100 ёшли Санам момоларга қўй-қўзи улашди. Кам таъминланган Алишер Мингишевлар хонадонига бир бош сигир, бир бош серка ва 8 та қўй инъом этди. Бундан ташқари, Раҳмон Мейлиев номли мактаб, «Юлдузча», «Оймомо», «Қалдирғоч» болалар боғчалари тарбияланувчиларига ҳам саховат кўрсатилди.

«Меҳр» ва «қадр» сўзлари бир-бирига уйғунлашиб кетган. Инсон қалбини мурувватга тўлдирувчи, эзгу ниятлар ато этгувчи, имону диёнатга бошловчи бундай олижаноб фазилатлар юртимизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

АВВАЛО ЎЗИНГГА БЕРСИН

Бугунги кунда Бахмал туманидаги «Бахмал» фуқаролар йиғини ҳудудида ўндан ортиқ қишлоқ бўлиб, тадбиркорлар сафи ортиб бормоқда. Натижада ишсизлик муаммосига барҳам берилаяпти. Бувамбор Акромова, Искандар Эсонов, Номозбой Худойбоқов сингари ўнлаб тадбиркорлар ўзларини аллақачон ўнглаб олиб, ҳамқишлоқларига ҳам нафи тегмоқда. Фермер И.Эсонов кам таъминланган, кўп болали 25 та оилага 500 килограмдан буғдой тарқатган бўлса, хусусий ошхона соҳибаси Г.Худойбоқова ўз жамғармасидан уларга мурувват кўрсатди.

Педагог-тарбиячи Туротбек Қўшоқов ҳамда участка профилактика инспекторининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти туфайли ҳудудимизда вояга етмаганлар орасида ўтган йили бирорта жиноятчилик, безорилик содир этилмади. Бунда мактаблар маъмуриятлари билан ҳамкорлик ҳам яхши самара берялти. Ўрозбой Азимов, Ғаффор Ибрагимов, Бозорбой Қўшанов сингари кўпни кўрган нуроний отахонлар маслаҳатларидан фойдаланилмоқда.

Айни чоғда ишимизни Меҳр ва мурувват йили тадбирлари асосида олиб бормоқдамиз.

Абдумўмин ОҚБЎТАЕВ,
Бахмал туманидаги
«Бахмал» қишлоқ фуқаролар йиғини фаоли

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ

Меҳр-мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси бўлмиш муборак Қурбон ҳайити билан барча юртдошларимизни, касаба уюшма ходимларини муборакбод этади!

ЎЗБЕКИСТОН-ИСПАНИЯ:
ТАРИХИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ

(Боши 1-бетда)

Мулоқотлар чоғида Испания Қироли Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён ўтган 12 йил мобайнида Ислом Каримовнинг ички сиёсий барқарорлик, миллий яқдиллик ва тарихий давомийликнинг асосий омилига айланган демократлаштириш жараёнига қўшган улкан шахсий ҳиссасини алоҳида қайд этди. Шунингдек, Қирол Ўзбекистон раҳбарининг юксак сиёсий ва маънавий нуфузи озодлик ҳамда бағрикенглик тамойиллари асосида тубдан янги жамият барпо этиш учун қулай шароит яратишни, ички сиёсий ҳаётда демократик меъёрлар ва қонунларга риоя қилишни кафолатлаш имконини берганини алоҳида таъкидлади.

Испанияда Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилгани ва жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллагани юксак қадрланади. Бу эътироф мамлакатда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ юритилаётган пухта ўйланган, қатъий ва мустақил ташқи сиёсат, жумладан, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида илгари сурилган машҳур ташаббусларнинг муҳим натижаси сифатида қабул қилинади. Испанияда ушбу эътироф Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган демократия ва бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш сифатида ҳам тан олинади.

Ўзбекистон томонидан истиқлол йилларида босиб ўтилган шарафли йўлга назар солинса, 1991 йили бу мамлакат якка ҳокимликдан, ҳар томонлама мафкура қобиғига ўралган, миллий анъаналарни тан олмайдиган тизимдан воз кечиб, ягона тўғри йўлни, очиқ демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлини тўғри танлаганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ҳаёт бу йўл ўзбек халқининг манфаатларига тўла мос келишини ва мамлакат учун, келгуси авлодлар учун катта имкониятлар ва порлоқ истиқболни очиб берганини кўрсатмоқда. Испания раҳбарияти билан ўтган барча учрашув ва суҳбатларда бу ҳақиқат алоҳида таъкидланди.

Икки давлат раҳбарлари мулоқотлар чоғида савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш, фан, таълим, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик, шаҳарлар ва минтақалар ўртасида тўғридан-тўғри муносабатларни йўлга қўйиш ҳамда ҳар томонлама рағбатлантиришга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Икки томон ҳам Ўзбекистон иқтисодиётига Испания сармоясини янада кўпроқ жалб қилиш зарурлигини қайд этди. Испания сармояси ёрдамида Ўзбекистонда қатор лойиҳалар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш, кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, транспорт, тиббиёт, фармацевтика ва сайёҳлик соҳаларида Испания тажрибаси ва технологиясидан кенг фойдаланилмоқда.

Миллий валюта конвертациясининг таъминланиши мамлакатда сармоя муҳитини соғломлаштириш борасида муҳим қадам бўлди. Бу хориж сармоясининг кўпайишига хизмат қилади.

Шундай қилиб, Испания аҳли Ўзбекистон ҳақида яна кўплаб янги маълумотлардан бохабар бўлди.

Жорий йилнинг мартида Ўзбекистон ишбилармон доиралари вакилларининг Испанияга ташриф буюриши бунинг далилидир. Сафар асносида Тошкент-Мадрид ва Тошкент-Барселона савдо палаталарини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Булар қаторида мамлакатларимизни ўзаро яқинлаштирувчи яна бир омилга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўзбекистон Осиё ва Европа, Шимол ва Жануб ўртасидаги кўприк бўлса, Испания Европа билан Лотин Америкасини, «кўҳна қитъа» билан араб дунёсини боғловчи ўзига хос робитадир. Икки мамлакат халқлари ҳам қадимий анъана ва замонавий ҳаёт қўниқмаларини ўзида ажойиб тарзда уйғунлаштирган, кексаларнинг ҳурматини жойига қўяди ва кам сонли миллатлар вакилларига яхши муносабатда бўлади. Шу билан бирга, миллий мусиқий санъатларимиз дурдонаси саналмиш оламга машҳур «фламенко» ва «мақом» наволарини ижро этиш услуби ҳам халқларимизнинг маънавий яқинлигидан далолатдир.

Икки томон ҳам жорий йилда испаниялик тадбиркорларнинг Ўзбекистонга режалаштирилаётган ташрифи, шунингдек, қатор маданий-маърифий тадбирлар, жумладан, «Кастилиянинг Самарқанддаги элчихонаси, мадридлик Клавихо Амир Темур саройида» мавзуидаги экспозициянинг муваффақиятли ўтишига катта умид билан қарамоқда. Ушбу экспозицияни Тошкент, Самарқанд, Мадрид ва Барселонада намойиш этиш режалаштирилмоқда.

Испания шаҳарлари ва мухтор вилоятлари билан бевосита алоқа ўрнатиш икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидандир. Тошкент ва Барселона шаҳарларининг маъмуриятлари ўзаро биродарлик алоқаларини ўрнатиш борасида келишиб олди. Сал аввал Кардова ва Бухоро шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқаси ўрнатилган эди.

«Клавихо-Амир Темур» Испания-Ўзбекистон дўстлик уюшмаси икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда. Зеро, тарихдан маълумки, ўртадаги масофанинг узоқлиги ва миллий маданиятлар ўртасидаги фарққа қарамай, мамлакатларимиз дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаши мумкин ва ҳеч бир омил бунга монеълик қила олмайди.

Ўзбекистон ва Испания ўртасидаги алоқаларнинг тикланиши икки мамлакат ҳаётида катта воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Испания Қироллигига давлат ташрифи натижалари икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш ва халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сантьяго РУИЗ-МОРАЛЕС,
Ўзбекистон Республикасининг Мадриддаги Фахрий бош консули (ЎзА)

Ўзингизни синаб кўринг
ФУТБОЛ - ТЕСТ

1.Қайси жаҳон чемпионатидан бошлаб футболчиларнинг либосларига исми-шарифи ёзиладиган бўлди?
A) «Мексика-86»
B) «Франция-98»
C) «АҚШ-94»
D) «Италия-90»

2. XV жаҳон чемпионати финалида қайси терма жамоалар учрашган?
A) Италия-Германия
B) Германия-Бразилия
C) Италия-Бразилия
D) Бразилия-Франция

3. Қачондан бошлаб жамоалар ғалаба учун 3 очко оладиган бўлди?
A) «Франция-98»
B) «АҚШ-94»
C) «Италия-90»
D) «Испания-82»

4.« Канонирлар» атамаси қайси жамоага нисбатан ишлатилади?
A) «Арсенал»
B) «Ливерпул»
C) «Чельси»
D) «Фулхэм»

5.Ўсмирлар ўртасида Европа чемпиони бўлган марҳум пахтакорчи?
A) Олим Аширов
B) Владимир Фёдоров
C) Михаил Ан
D) Константин Баканов

6.«Спартак» жамоасининг бош мураббийи ким?
A) Олег Романцев
B) Невио Скала
C) Эдуард Малофаев
D) Валерий Газзаев

7.Поччахон Отахоновни биласизми? У қайси жамоада ўйнаган?
A) «Пахтакор»
B) «Спартак» (Тошкент)
C) «Нефтчи»
D) «Мускоманда»

8. Италиянинг «Энг яхши мураббийи» га аталган «Олтин скамейка» 2003 - йилда кимга насиб этди?
A) Элио Густинетти
B) Карло Анчелотти
C) Марчелло Липпи
D) Жованни Галеони

9. Голландия терма жамоаси сардори?
A) Ван Нистелрой
B) Франк Де Бур
C) Патрик Клюверт
D) Ван Дер Сарр

10. УЕФАга яқинда қабул қилинган Осиё мамлакати терма жамоаси?
A) Қирғизистон
B) Туркия
C) Қозоғистон
D) Исроил

БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

Агар кимники қорни оғриса, турп уруғини сут билан ичиши лозим. Худди шу доривор юздаги сепкилни ҳам кетказади.

* * *

Исириқ қовурмаси юрак хасталигига энг яхши даводир.

* * *

Кимники кўзида оқи, қовоқларида яра-чақа бўлса, зафарондан талқон тайёрлаб кўзига қўйсин.

* * *

Қулоғи оғирроқ киши саримсоқ сувини қулоғига томизса тузалади.

* * *

Агар кишининг қулоғи оғриса, унга ошқовоқнинг хом шарбатидан томизиш керак.

* * *

Бурундан қон келса, ялпиз кулидан бурунаки қилинг.

* * *

Агар тиш оғриса саримсоқни қайнатиб енг ва милкингизга хом саримсоқ палласини босинг – оғриқ қолади.

* * *

Оғзингизни гулоб билан чайинг, оғриқ йўқолади, тишлар мустаҳкамланади.

* * *

Темиратки тушган киши исириқ талқонидан малҳам қўйсин ва пиёз уруғини қайнатиб есин.

* * *

Саримсоқ ва шолғом уруғи талқони юздаги доғларни яхши кетказади.

* * *

Агар қонингиз меъёрига тушишини истасангиз хурмо, олча ва гулобдан шарбат қилинг, уч кун наҳорга оч қорнинга ичинг.

* * *

Эрталаб шолғом еган киши йўталга дучор бўлмайди, яна шолғом нафас йўлларини юмшатиб, ўпкани тозалайди.

* * *

Янги турпни асал билан қўшиб ейиш ҳам йўталга яхши наф беради.

Саломатлик сабоқлари

Кўпчилик кишилар аллергияни зумда ўтиб кетадиган оддий ҳолат деб билишади. Чиндан ҳам шундаймикин? Аллергия ўткинчи ҳолатми ёки жиддий хасталик? Биз республика илмий-ихтисослашган Аллергология марказининг раҳбари, Европа Аллергологлар академиясининг аъзоси, профессор Озодбек Назаровга ана шу савол билан мурожаат этдик.

АЛЛЕРГИЯ ЎТКИНЧИ ҲОЛАТМИ

– Уй чанги, ҳаводаги ғубор димоққа кирганида ёки баъзи бир мева шарбатларини ичганидан сўнг танада қичиш юз бериши мумкинлигини қадимги табиблар ҳам ёзиб кетишган. XIX аср охирида яшаб ўтган педиатр олим Пирке ушбу аломатларни ўзаро умумлаштириб, аллергия деб атади. Ўша даврда аллергияга учраганлар бармоқ билан санарли бўлса, бугунга келиб ер юзи аҳолисининг тўртдан бир қисми шу хасталик билан оғриб келмоқда. Экологик муҳитнинг бузилиши, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида турли кимёвий моддаларнинг кўпайиши, сунъий матодан тикилган кийим-кечакларни узоқ вақт кийиб юриш, ҳар хил дори-дармонлардан ўзбилармонлик билан фойдаланиш, асаб тизимининг толиқиши каби бир қанча ҳолатлар аллергиянинг сабабчисидир. Ёшига етмаган гўдакларни кўкрақдан ажратиб, уларга сигир сути берила бошлаганида ҳам аллергия ҳолати кузатилади. Умуман, бу хасталикка чалиниш бола етти ёшга тўлганидан сўнг аста-секин юзага келади. Ўсмирлар ва катталар эса бу касалликка тез-тез чалиниб турадилар. Айниқса, аллергик тумов (ринит) кўп учрайди. Бундай тумовнинг ўзидан кўра асорати ёмон. Шунинг учун ҳам аллергик тумовга чалинган киши дарҳол шифокорга мурожаат қилиши зарур. Шуни унутмаслик керакки, бурун қичиши, битиб қолиши, аксириш, томоқ қитиқланиши, кўз соққаси шишиб қизариши ёки ундан ёш оқиши, қулоқларнинг шовқинга таъсирчанлиги, ғувиллаши ёки тез-тез шиғиллаши аллергиянинг дастлабки аломатларидандир.

– Баъзи бировлар «қуруқ ҳаво бўлса аллергиям қўзийди» дейишади. Ёки айрим аёллар «уй супуролмайман, чангга аллергиям бор» дея ўзларини эҳтиётлашади. Ҳатто атир ҳидлаганида ҳам кимларнингдир димоғида кучли таъсирланиш юз бераркан. Кишидаги бундай ҳолатларнинг сабаблари қандай аниқланади?

– Аллергик тумовнинг мавсумий ва доимий турларини кузатиш мумкин. Маданий ва ёввойи дарахт ҳамда ўсимликлардаги чанг зарралари мавсумий ринитни келтириб чиқаради. Хасталикнинг доимий тури эса уй чанги таркибидаги каначалар, парёстиқ пари, кутубхона гардидан пайдо бўлади. Шунингдек, уй ҳайвонларининг туклари, қазғоқлари ва сувараклар ҳам аллергенларни ташувчилардир. Касалликни келтириб чиқарган сабаблар бир неча усулларда аниқланади. Ташхис қўйишдан аввал беморнинг аллергологик анамнез (сўров асосида маълумотнома) йиғилади, шундан сўнг унинг терисида аллергик синовлар амалга оширилади. Булардан ташқари беморнинг қон таркиби тўлиқ таҳлил қилинади. Зарур бўлса рентгенологик текширув ёки компьютерли томография ўтказилади.

Беморларга хасталикнинг клиник белгиларини қайтарувчи ва аллергик яллиғланишни камайтирувчи дори-дармонлар буюрилади. Яъни таъсир қуввати узоқ муддатгача сақланадиган таблетка (кларитин, лотанакс, гисталог, гисманал, задитен)лар, бурун бўшлиғига юбориладиган суюқлик (алдицин, аллергодил, бекназа, назакорт)лар, кўз шиллиқ қавати яллиғланишини тузатувчи томчи дори (кузихром, оптихром)лардан фойдаланилади.

– Бордию, аллергия сурункали ҳолатга ўтса...

– Бу жуда хавфли. Ўз вақтида даволанмаган аллергик тумов (ринит) пастки нафас олиш аъзоларини зарарлайди. Бора-бора астма (зиқнафас) хасталигини келтириб чиқаради. Касалликнинг оғир ҳолатида беморда давомли бош оғриғи юзага келади. Ҳолсизлик, тез чарчаш, хотиранинг пасайиши кузатилади. Аянчлиси шундаки,киши узоқ вақт аллергик тумов билан оғриб, керакли муолажа олмаса, ёш ўтгани сайин меҳнат қобилиятини йўқота боради. Баъзида беморлар ҳатто ногирон бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Марказимиз томонидан ишлаб чиқилган махсус дастурга кўра, кишилар ўртасида аллергик тумов, бронхит ва астмани барвақтроқ аниқлаш, ҳисобга олиш ва ўз муддатида муолажа тайинлаш чоралари кўриляпти. Вилоятлардаги «Аллергия мактаблари»да фаолият юритаётган мутахассислар аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Марказимизда «Сиз ва сизнинг оилангиз астмага қарши нима қила олади?» оилавий маслаҳатномаси тайёрланган. Бу китобча ҳар бир оила учун жажжи қўлланма вазифасини ўтайди. Аллергиядан сақланиш учун болалар уй ҳайвонларидан узоқроқ юриши, аёллар уйни супуриб-сидиришда бурунга намроқ латта ёки дока ниқоб тақиб олиши, катта ёшдаги одамлар ҳаво чанглари ва ғуборидан, айниқса, дарахтлар гулга кирганида жуда эҳтиёт бўлишлари лозим. Аллергик хасталикка чалинган киши тезда шифокор ҳузурига бориб, тез-тез йўлйўриқ ва кўрсатмалар олиб туриши керак.

Г.ЖАМИЛОВА ёзиб олди

Эшитдингизми, ўқидингизми?
МАМИНОВ ВА ПАШИНИН
биринчи ўйинда иштирок этмайди

Навбатдаги Жаҳон чемпионати саралаш баҳсларининг биринчи босқичида миллий терма жамоамиз иштирокидаги илк учрашув ироқлик футболчиларга қарши ўтказилишидан хабарингиз бўлса керак. Маълум бўлишича, 18 феврал куни Тошкентда бўлиб ўтадиган ушбу муҳим учрашувга тайёргарлик кўриш учун футболчиларимиз бир ҳафта олдин пойтахтда тўпланишади. 12 февралда бошланадиган мазкур йиғин давомида битта ўртоқлик учрашуви ўтказилади.

Албатта, шу ўринда, Ироқ терма жамоаси билан ўтадиган ўйинда хорижий мамлакатлар чемпионатларида тут ураётган легионер футболчиларимизнинг барчаси иштирок этиш-этмаслиги кўпчилик ишқибозларни қизиқтириши табиий. Айтиш керакки, «Локомотив» аъзолари – Маминов ва Пашининларнинг Тошкентга етиб келмаслигини ҳисобга олмаганда, бу борада ҳозирча ҳеч қандай муаммога дуч келинмаяпти. Чунки 25 февралда «Локомотив» жамоаси Европа чемпионлар лигаси беллашувларида «Монако»га қарши майдонга тушади. Россиялик мураббийлар эса муҳим учрашув олдидан жамоанинг етакчи футболчилари жароҳат олишларидан хавотирланишаётган эмиш.

Яна бир янгилик. «Нефтчи» (Фарғона)нинг собиқ ҳимоячиси, ҳозирда «Ротор» жамоаси таркибида тўп сураётган Владимир Радкевич миллий терма командамиз либосини кийиши мумкин. Терма жамоа манфаатига дахлдор бу масала тез кунларда ҳал этилиши кутилмоқда.

К.АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар қўмитаси Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Омонулла Иноғомовга укаси **ҲАБИБУЛЛО ИНОҒОМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳамда Тошкент вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси Қибрай туманидаги вакил Ислом Усмоновга падари бузруквори **УСМОН ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Чилонзор буюм бозори томонидан Р.Д.Бекметова номига берилган №2229 серияси - 007452 савдо гувоҳномаси иш фаолиятини тўхтатганлиги сабабли **бекор қилинади.**

УЛУҒ ШОИР АСАРЛАРИ НЕМИС ТИЛИДА

Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий ижоди чет элларда ҳам севиб мутолаа қилинади. Немис китобхонлари бу бой ижодиёт чашмасига азалдан ташналик ҳис этади.

Лекин Алишер Навоий асарлари немисчага дастлаб аслиятдан эмас, балки Европа тилларига қилинган таржималардан ўгириб келингани таъкидлаш лозим. Чунончи, «Хамса»нинг тўртинчи достони – «Сабъаи сайёр»ни 1557 йили Христофор Арманий итальян тилига ўгирган эди. Орадан 26 йил ўтиб, 1583 йили Йоҳанн Ветцел бу асарни италянчадан немис тилига таржима қилди.

XVIII-XIX асрларда немис тили Европа ва бутун дунёда кенг тарқалди. Шу сабабли Ветцел италянчадан немисчалаштирган «Сабъаи Сайёр» достони 1719 йили француз, 1766 йили голланд тилига таржимада аслият вазифасини ўтади.

XIX асрга келиб венгер туркшуноси ва сайёҳи Херман Вамбери Алишер Навоийнинг ғазал ва рубоийларидан намуналарни, «Махбуб ул-Қулуб» насрий асаридан парчаларни немис тилига ағдариб, 1867 йили Лейпциг шаҳрида чоп этилган «Чиғатой тили» дарслиги китобида эълон қилди. 1968 йили Йоҳанн Вар Кетина Навоийнинг ҳикматли сўзларини немис тилига ўгирган бўлса, 1991 йили Дротеа Баклицкая шоирнинг «Муножот» асарини русча таржимадан немисчалаштирди.

Навоий асарларининг немис тилига таржималари 1968 йилгача Европада яшовчи, шоир ижодига қизиқувчилар томонидан бажарилган. 1968 йилдан бошлаб эса бу иш асосан Ўзбекистоннинг ташаббуси билан амалга ошмоқда.

А.АЛИЕВ



Ҳаётий ҳангомалар

КЎК КАТАКЛИ КЎЙЛАК

Шоқосим оиласи билан чўлга кўчиб келиб, жамоа хўжалигида гўшт дўкони очди. Маҳалла аҳли бундан мамнун. Энди улар тўрт-беш чақирим йўл босиб туман марказига қатнашдан қутилдилар.

Қассобнинг иши юришиб кетди. Семиз гўшт ҳар доим харидоргир бўлади. Баъзан насияга олувчилар ҳам учраб туради. Шунда у исм ва фамилияларини билолмай шошганидан мижозларининг кийим-бош ва афт-ангорига қараб ён дафтарига қайд қилади: кўк катакли кўйлак - 3 кило, беқасам тўн - 1 кило, шоп мўйлов - 2 кило...

Шошқалоқлик унга панд берди. Насияни кимдан ундиришни билолмай охири синди.

БАРИ ХЎРОЗ ЭКАН

Ҳусановлар оилавий дам олиб келиш учун йўлга чиқдилар. Бекатга маршрут автобуси келиб тўхтади. Эр-хотин ўғилларини бирма-бир салон ичкарисига етаклаб чиқара бошлади. Улар етти нафар ўғил эди. Йўловчилардан кимдир:

- Бари хўроз экан, - деди ёнидаги шеригига шивирлаб.

Буни эшитган эр-хотиннинг юзида табассум пайдо бўлди.

ФАМИЛИЯДОШЛАР

Вилоят тарғиботчиларининг бир ҳафталик йиғинида икки фамилиядош ёнма-ён ўтириб қолди.

- Қўшни туманда дадамнинг хотини йўқ эди, шекилли? - деди уларнинг ёши улуғи ҳазил қилиб.

- Энди билсам сизнинг шаҳрингизда ҳам дадамизнинг ҳовлиси бор экан-ку, - дея бўш келмади фамилиядошларнинг кичиги.

Шу-шу, фамилиядошлар йиғилиш тугагунча худди акаукадек яқин ва иноқ бўлиб қолдилар.

АЧЧИҚ ҚИЛМА

Шерали биринчи оиласидан ажралгач, яна уйланиш тараддудига тушди. Ниҳоят тўй куни ҳам белгиланиб, никоҳдан ўтиш учун янга ва ўртоқлари қайд қилиш идорасига йўл олишди. Шу орада Шерали гул ахтариб ортда қолиб кетди. Ажратилган автомашиналар уни кутмасдан жўнаб кетди.

Шерали никоҳдан ўтказиш идорасига халлослагунича етиб келди. Унинг қовоқлари осилган, терга ботган эди. Унга ҳеч гап ёқмасди.

- Аччиқ қилаверма кўп, - деди ўртоқларидан бири. - Инжиқланаверсанг янаги уйланганингда келмаймиз.

Шерали уялганича жилмайиб қўйди.

Абдулла САИДОВ

Пазанда маслаҳати
БУҒДА ПИШГАН ПРЯНИКЛАР

3 та тухум, 125 грам маргарин, 3 та ош қошиқда асал, 1 та стакан шакар, 3-4 стакан ун, 1 та чой қошиқда истеъмол содаси.

Алоҳида идишда асални эритиб оласиз. Тухум билан шакарни ҳам бошқа идишда яхшилаб кўпиртириб ва эритилган асал, маргарин, уксус эсенциясида ўлдирилган истеъмол содасини қўшасиз. Қоришмага ун солиб юмшоқ, қўлга ёпишмайдиган хамир қорасиз.

Тайёр бўлган хамирдан катталиги ёнғоқдек келадиган зувалачалар ясайсиз. Уларни қасқон патнисларига териб 40 дақиқа давомида пиширасиз.

Пишиб чиққан ушбу ширинликларнинг устига шоколадли глазур, майдаланган ёнғоқ сепиб, дастурхонга тортасиз.

Шоколадли глазур қуйидагича тайёрланади: идишга 6-7 ош қошиқда сув, 3 ош қошиқда какао ва 3 ош қошиқда шакар солиб, оловга қўясиз. Аралашма қайнаб чиқиши билан уни оловдан оласиз ва 50 грам сариёғ қўшасиз.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 01.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 19500 Буюртма Г— 217 2 3 4 5 6